

Ж.А. Асамов, илмий раҳбар А.Ж. Қаххоров
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси
Тошкент, Ўзбекистон
avaz_qaxxorov@mail.ru

ИННОВАЦИОН ЛОЙИҲАЛАР: ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНИШДАГИ ЎРНИ ВА УНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ

Аннотация. *Мазкур мақола, Ўзбекистоннинг инновацион иқтисодиёт моделига ўтиш шароитида инновацион лойиҳаларни яратиш заруриятини асослаш ва уларни ишлаб чиқиш борасидаги тадқиқотга бағишланган. Хусусан, инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш, амалиётда жорий қилиш имкониятининг юқорилиги, қанчалик даромадли эканлигини баҳолаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.*

Калит сўзлар: *инновация, инновацион лойиҳалар, инновацион иқтисодиёт, баҳолаш, экспертиза қилиш, инновацион стратегия.*

Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида қўлга киритилаётган юксак натижалар, энг аввало, янгидан-янги замонавий тармоқ ва ишлаб чиқариш қувватларининг йўлга қўйилиши, бунинг таъсирида мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятининг сезиларли даражада ортиб бораётгани, яратилаётган маҳсулот ва кўрсатилаётган хизмат турларининг кўпайиб, сифатининг тубдан яхшиланиб бориши миллий иқтисодиётимизнинг инновациялар асосида қурилаётганлигидан далолат беради. Бунда давлат томонидан инновацион фаолиятнинг ривожлантирилишини илмий тадқиқот олиб борувчи муассасалар ва унинг ходимлари, ёш олимлар ва ихтирочиларга шарт-шароит яратиш бериш ҳамда рағбатлантириш борасидаги эътиборда кўришимиз мумкин.

Бугунги кунда инсон капиталига инвестиция киритиш ресурслардан фойдаланишнинг энг самарали усулига айланиб бормоқда. Дунё тажрибаси шуни кўрсатадики, мамлакатнинг илғор ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва унинг ташқи бозордаги рақобатдошлиги ривожланган миллий инновацион тизимнинг мавжудлиги орқали таъминланмоқда. Демак, миллий инновацион тизим барча элементларининг шаклланиши ва ўзаро самарали таъсири давлат инновацион сиёсатининг асосий мақсадларидан бири бўлиши зарур.

Шу боисдан, Ўзбекистон тараққиётининг инновацион моделини қуриш, жумладан, илм-фан ва техника ютуқларини кенг қўллаган ҳолда, ижтимоий ва бошқа соҳалардаги замонавий инновацион технологияларни иқтисодиёт тармоқларига тезкор жорий этиш мақсадида Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан 2018 йил 21 сентябрь куни «2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармонни имзоланди. Ушбу фармонга мувофиқ, 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегияси ва Ўзбекистонни 2030 йилгача инновацион ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари тасдиқланди. Мамлакатнинг халқаро майдондаги рақобатдошлиги даражасини ва инновацион жиҳатдан тараққий

этганлигини белгиловчи асосий омил сифатида инсон капиталини ривожлантириш – Стратегиянинг бош мақсади этиб белгиланди [1].

Ушбу инновацион ривожлантириш стратегиясини самарали амалга ошириш жамият тараққиётини таъминловчи инновацион ғоялар, узлуксиз инновацион лойиҳа ва жараёнлар, инновацион фаолият натижасида вужудга келган ноу-хоулар, юқори технология ва инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқиш билан боғлиқ. Унинг асосида ижтимоий ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлигининг ўсиши, жамият ва унинг аъзолари эҳтиёжларини қондириш даражасини ошириш, ҳаёт шарт-шароитларининг сифатини таъминлашга имконият берувчи инновацияларни излаш, тайёрлаш ва амалга оширишнинг узлуксиз ва мақсадли йўналган тадбирлар режаси ётади. Моҳиятан, ривожланишнинг инновацион йўналиши илм-фан ютуқларини инсон фаолиятининг барча муҳим соҳаларида қўллаш кўламини кенгайтириш ва уларни фойдаланиш соҳасига киритишни ифодалайди.

Мутахассисларнинг фикрича, сўнгги ўн йил ичида ривожланган мамлакатларда илмий, ҳажмдор, юқори технологияларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳамда ушбу маҳсулотлар экспорти микроэлектрон, оптик тола, радиоэлектрон, лазер, ядро ва компьютер технологиялари каби соҳаларда сезиларли ўсишга эришилмоқда [4].

Бу борада республикамизда илм-фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш орқали замонавий илғор технологиялардан самарали фойдаланиш ва шу орқали миллий иқтисодиётни модернизациялаш муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, инновацион фаолиятни ташкил этишда илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик фаолиятларини молиявий қўллаб-қувватлаш, янги қурилма, янгича ёндашув, инновацион лойиҳаларни яратиш ва улардан фойдаланиш, интеллектуал фаолиятнинг маҳсули бўлган патент, гувоҳнома, ноу-хауларни яратиш ва фойдаланишга йўналтириш билан боғлиқ муҳим шароитларни яратиш бугунги кунда алоҳида долзарблик касб этади.

Мазкур ҳолат ёшларда инновацион ғояларни излаш ва селекция қилиш, уларни лойиҳалаштириш жараёнларига тайёрлаш ҳамда инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш бўйича алоҳида тадқиқотларни олиб боришни тақазо этади.

Умуман олганда, инновацион ғояларни топиш ва уларни ишлаб чиқиш жараёнлари, шунингдек, инновацион лойиҳаларни яратиш ва улардан фойдаланиш, лойиҳани ўз муддатида самарали бажариш ва экспертизадан ўтказиш, инновацион фаолият натижаси бўйича патент ва гувоҳнома олишга топшириш эга бўлган занжирсимон жараёнларни ўзида мужассам этган тадбирлар мажмуаси ҳисобланади. Лойиҳа босқичлари ва поғоналари таркиби унинг тармоқ ва функционал мансублигига қараб белгиланади. “Лойиҳа” тушунчаси билан бир қаторда, “инновацион дастур” деган тушунча ҳам мавжуд. Бу тушунчалар ўзаро чамбарчас боғланган.

Инновацион лойиҳаларнинг (мультилоийиҳа ва мегалойиҳалар) мураккаб комбинацияси бўлиб, бошқарув объекти сифатида алоҳида лойиҳадан ёки ўзаро бир-бири билан жуда заиф боғланган, ташкилот ёки унинг ижрочилари томонидан бажариладиган лойиҳалардан жуда кучли фарқ қилади. Дастурни фақат йирик ташкилотлар бирлашмаси, масалан, йирик корпорациялар консорциуми, минтақа ёки мегаполис, федерал органлар ва ҳ.к.лар шакллантириши ва амалга ошириши мумкин. Инновацион дастурларни шакллантириш ва амалга оширишга кўплаб мисоллар мавжуд.

Инновацион лойиҳа етарлича батафсил тузилиши керак, чунки бўлажак инвестор лойиҳа билан танишганда мўлжалланаётган дастур ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлиши ва унинг мақсадларини тушуниши лозим. Инновацион лойиҳани қай даражада деталлаштириш ва унинг таркиби бўлажак дастур ва у тегишли соҳа ҳажмларига боғлиқ. Масалан, қандайдир маҳсулотни ишлаб чиқариш ёки инновацион

технологияни жорий этишни йўлга қўйиш кўзда тутилаётган бўлса, жуда батафсил режа ишлаб чиқилиши лозим, унинг қанчалик батафсиллиги инновацион дастурнинг якуний маҳсулоти мураккаблигига ва мазкур маҳсулот бозорининг мураккаблигига боғлиқ. Инновацион лойиҳанинг таркиби, шунингдек, кўзда тутилган ва мақсадли бозори кўламига, рақобатчиларнинг бор-йўқлигига ва дастур натижаларидан фойдаланиш истиқболларига боғлиқ.

Инновацион лойиҳа – ресурслар, муддат ва босқичлар бўйича ўзаро боғлиқ бўлган жараёнларнинг мураккаб тизимини ўзида акс этади. *Инновацион лойиҳа* – бу ўзаро боғлиқ бўлган мақсадлар тизими ва ушбу мақсадларга етиш учун ўзида қуйидаги комплекс тадбирларни акс эттирувчи дастурилари:

1. Илмий-тадқиқот;
2. Тажриба-конструкторлик;
3. Ишлаб чиқариш;
4. Ташкилий;
5. Молиявий;
6. Тижорат ва бошқа тадбирлардан иборат.

Шунингдек, тегишли тарзда:

1. ташкиллаштирилган (ресурслар, муддатлар ва ижрочилар бўйича боғланган);
2. лойиҳавий ҳужжатлаштириш комплекти билан расмийлаштирилган бўлиши шарт.
3. “Инновацион лойиҳа” тушунчаси бир қанча нуқтаи назардан қаралиши мумкин:
4. инновацион мақсадларга эришишга хизмат қиладиган тадбирлар йиғиндиси сифатида;
5. инновацион фаолиятни амалга ошириш жараёни сифатида;
6. ушбу тадбирларни асословчи ва баён қилувчи ҳужжатлар пакети сифатида.

Ушбу уч жиҳатлар инновацион лойиҳанинг инновацион фаолиятини ташкил қилиш ва мақсадли бошқариш шакллари сифатидаги аҳамиятини кўрсатади. Шундай қилиб, инновацион лойиҳа – бу ресурслар, муддатлар ва ижрочилар бўйича ўзаро бир-бирини асослайдиган ҳамда ўзаро бир-бирига боғлиқ бўлган, илм-фан ва техника тараққиётининг устувор йўналишларида муайян мақсадлар (вазифалар)га эришишга қаратилган жараёнларнинг мураккаб тизимидир.

Умуман олганда инновацион лойиҳиларни ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш амалиёти қуйидаги босқичда амалга оширилади.

Биринчи босқич. *Инновацион лойиҳани дастлабки экспертиза қилиш.* Лойиҳачи буюртмасига мувофиқ ғоянинг муҳимлиги, реаллиги, амалга ошириш имконияти ва молиялаштириш манбасининг мақсадига мувофиқлигини аниқлашга қаратилган.

Иккинчи босқич. *Инновацион лойиҳа бизнес-режасининг мустақил (ташқи) экспертизаси.* Унинг мақсади – тақдим этилган бизнес режани батафсил таҳлил қилиш асосида инновацион лойиҳани ҳар томонлама комплекс баҳолаш (устунлик ва камчиликлар).

Учинчи босқич. *Экспертининг якунловчи босқичи,* лойиҳа ҳаётийлик циклининг турли босқичларида молиялаштиришнинг турли ҳил шакллари ва турли манбаларини оптимал бирлаштиришдан иборат. Шунингдек, инновацион лойиҳаларнинг амалиётга қўллаш борасидаги умумий хулоса бериш.

Муаллифларнинг фикрича, инновацион лойиҳаларнинг иқтисодий натижалари ишлаб чиқариш жараёнида моддий ресурсларни, маҳсулот бирлигига сарфланадиган жонли ва буюмлашган меҳнатни тежашни, киши бошига меҳнат унумдорлигининг

ошиб боришини, атроф-муҳитнинг экологик жиҳатдан ифлосланиш даражасини камайтиришни таъминлашда, ишлаб чиқариш, ижтимоий соҳада банд бўлганларнинг иш ҳақи ва даромадларининг ўсиб бориши, кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялаш даражасини ошириш ҳамда ижтимоий инфратузилмани ривожланиб боришида ифодаланади. Яъни инновациялар, техника ва технологиялар тараққиёти ҳамда ўсиб бораётган эҳтиёжлар натижасидир.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 21 сентябрь «2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сонли «2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили» да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида»ги Фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 апрельдаги ПҚ-3682-сонли «Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалий жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарори.

4. Равсулов Н. Инновацион жараёнларни стратегик бошқариш – инновацион иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим омили // Бизнес эксперт журнали. 2013 (5). 23 б.

М.Н. Орзикулова, ilmiy rahbar Ж.Ш. Тухтабаев
Тошкент давлат иқтисодий университети
jamshidtukhtabaev@gmail.com

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МАКРОИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ ЎРНИ

Аннотация. Ушбу мақолада рақамли иқтисодий ривожлантириш вазифалари, ривожлантиришнинг муҳим жиҳатлари, макроиқтисодий барқарорликни таъминлашдаги ўрни ва аҳамияти назарий жиҳатдан кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: рақамли иқтисодий, макроиқтисодий барқарорлик, ахборот технологиялари, иқтисодий ривожланиш, паланформа, модел.

М.Н. Орзикулова, научный руководитель Ж.Ш. Тухтабаев
Ташкентский государственный экономический университет
Ташкент, Узбекистан

РОЛЬ РАЗВИТИЯ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ В ОБЕСПЕЧЕНИИ МАКРОЭКОНОМИЧЕСКОЙ УСТОЙЧИВОСТИ

Аннотация. В этой статье рассматриваются теория цифровой экономики, ключевые аспекты развития, а также роль и значение макроэкономической стабильности.